«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзгидромет
бош директори ўринбосари,
танлов комиссияси раиси

_____Ф.Б. Сафаров
“____”_____ 2022 йил.

2022 йил 25 ноябрь *Тошкент шаҳри*

Ўзгидрометнинг 2022 йил 3 октябрдаги “Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан ўтказиладиган аудитга тайёргарлик кўриш тўғрисида” ги 291-Т сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Фуқаро авиация метеорологик станцияларида иккинчи назорат аудитини ўтказиш хизматини сотиб олиш бўйича харид комиссиясининг навбатдаги 2- **сон йиғилиш БАЁННОМАСИ**

Ўзгидромет Бош директорининг 2022 йил 19 июлдаги 197 Т-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзгидромет харид комиссия аъзолари рўйхати.

Комиссия раиси:

1 Ф.Б. Сафаров - Ўзгидромет Бош директори ўринбосари

Комиссия раиси ўринбосари:

2 Қ.М.Кулумбетов - Бош директор маслаҳатчиси

Комиссия аъзолари:

3 А.Б.Нарзуллаев - Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси бошлиғи

4 А.Исломов - Юридик бўлим етакчи юристконсулти

5 С. Халияров - Инвестицион лойиҳаларни мувофиқлаштириш, маркетинг тадқиқотлари ва молиялаштириш бошқармаси бошлиғи

КУН ТАРТИБИ

1. Талабгорлар томонидан танлов ҳужжатлари талаблари асосида тайёрланган таклиф ҳужжатларини ўрганиб чиқиш ва танлов ғолиблигига номзодни танлаш.

(Ф.Сафаров, Қ.Кулумбетов, С.Халияров, А.Нарзуллаев, А.Исламов)

Ўзгидрометнинг 2022 йил 3 октябрдаги “Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан ўтказиладиган аудитга тайёргарлик кўриш тўғрисида”ги 291-Т сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Фуқаро авиация метеорологик станцияларида иккинчи назорат аудитини ўтказиш хизматини ташкилотни аниқлаш, танлов ҳужжатлари талаблари ҳамда давлат харидлари махсус ахборот порталида (etender.uzex.uz) 2022 йил 7 ноябрда жойлаштирилган энг яхши таклиф бўйича эълонга (лот № 22110012177933) асосан талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилди.

Танлов комиссияси раиси Ф.Сафаров сўзга чиқиб, иштирокчилар томонидан тақдим қилинган танлов таклифлари тўпламини танлов ҳужжатлари таркибида берилган техник ва тижорат баҳолаш мезонларига асосан кўриб чиқиши ҳамда танлов хужжатларининг талабларига мос келмаган ва тегишли тарзда расмийлаштирилмаган деб топилган иштирокчининг таклифлари танловдан дисквалификация қилиниши ва таклифи рад этилишини маълум қилди.

Фуқаро авиация метеорологик станцияларида иккинчи назорат аудитини ўтказиш хизматини сотиб олиш учун ўтказилган энг яхши таклифни танлашда қуйидаги пудрат ташкилотлари қатнашганлигини айтиб ўтди:

1) “SERT MANAGEMENT” МЖЧ

2) “Русский Регистр-Средняя Азия” МЧЖ

Шунингдек, Муҳокамага қўйилган масала юзасидан **2 (икки)** иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмаганлиги ва норозиликлар билдирилмаганлиги маълум қилди.

Шундан сўнг тақдим этилган таклифлар ва тегишли ҳужжатлар муҳокама қилиниб, “SERT MANAGEMENT” МЧЖни ғолиб деб топиш ва шартнома тузиш бўйича таклиф берилди. Комиссия раиси таклифни овозга қўйди.

Овоз бериш натижаси: «Рози» - 5, «Қарши» - 0, «Бетараф» - 0.

Мажлис иштирокчиларининг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олиб, харид комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Фуқаро авиация метеорологик станцияларида иккинчи назорат аудитини ўтказиш хизматини сотиб олиш учун тақдим этилган таклифлар ва тегишли ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, “SERT MANAGEMENT” МЖЧ таклифи бир овоздан маъқуллансин.

1. “SERT MANAGEMENT” МЖЧ танлов ғолиби деб топилсин ва ушбу корхона билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ, деб белгилансин.

Харид комиссияси масъул котиби: С.Орипова

Харид комиссияси аъзолари:

_____ Қ. Кулумбетов

_____ А. Нарзуллаев

_____ А. Исламов

_____ С. Халияров